

**“Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамияти  
Кузатув кенгаши мажлисининг 5-сонли баёни**

**Мажлис ўтказилган  
вақт ва жой:**

2021 йил 15 декабр, Тошкент шаҳар,  
А.Темур кӯчаси, 6-уй.

**Йиғилишда иштирок  
этди:**

Б.Фарманов - Кузатув кенгаши раиси.

**Кузатув кенгаши  
аъзолари:**

Ж.Хайдаров, Ж.Эшниёзов, А.Захидов,  
У.Самиев, Х.Ўткирбеков, Ш.Хакимов,  
А.Сангилова, Д.Суюнов

**Таклиф қилинганлар:**

А.Мирзаахмедов - Жамият бошқарув раиси,  
жамият молия, маркетинг ва тижорат ишлари  
бўйича директор- Б.Қаюмов.

Йиғилишда Кузатув кенгашининг барча аъзолари иштирок этди ва кворум 100  
фоизни ташкил этди.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. “Фарғона ёғ-мой” АЖ бошқарув раиси А.Мирзаахмедовнинг мурожаатини  
кўриб чиқиши тўғрисида.

**Кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш раиси Б.Фарманов маъруза қилди.**

У ўз маъруzasida жамият бошқарув раиси Ахмаджон Мирзаевич Мирзаахмедов  
Кузатув кенгашига 2021 йил 15 декабря ариза билан мурожаат қилиб, 2021 йил  
15 декабрдан ўз хохишига кўра у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор  
қилинишини кенгаши аъзоларига маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг  
хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни талабларига биноан ва жамият  
уставининг 12.4 ва 12.17 бандларига кўра, бошқарув раиси билан тузилган меҳнат  
шартномасини муддатидан олдин бекор қилиниши тўғрисидаги мурожаати ва  
бошқарув раиси лавозимига вактинча бошқарув аъзоларидан бирини тайинлаш  
Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилишини айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги  
356-сонли “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-  
тадбирлари тўғрисида”ги қарорнинг 2-бандига мувофиқ устав капитали (фонди)да  
давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ижроия органи  
раҳбари ва раҳбар ўринбосари лавозимларига номзодларни кўрсатиш Ўзбекистон  
Республикаси Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари  
билан келишилган ҳолда амалга оширилиши белгиланганлиги тушунтириб ўтди.

Йиғилиш кун тартибидаги масала жамият Кузатув кенгашининг бошқа  
аъзолари Ж.Хайдаров, Ж.Эшниёзов, А.Сангилова, А.Захидов, Д.Суюнов, У.Самиев,  
Ш.Хакимов, Х.Ўткирбековлар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди ва кун  
тартибидаги масалалар овозга қўйилди.

**Розилар – 9 киши, қаршилар – йўқ, бетарафлар - йўқ.**

Кун тартибидаги масалалар юзасидан “Фарғона ёғ-мой” АЖ Кузатув кенгаши  
йиғилиши

## **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамияти бошқарув раиси А.Мирзаахмедовнинг аризаси қаноатлантирилсин ва 2021 йил 15 декабрь кунидан у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинсин.

2. Бошқарув раиси вазифасини вактинча бажариш ва жамиятнинг моддий жавобгарлиги жамиятнинг савдо, маркетинг ва тижорат ишлари бўйича бўйича директори Бунёджон Қаюмов зиммасига юклатилсин ҳамда ишлаб чиқариш, банк хужжатларига биринчи имзо қўйиш ваколати берилсин.

3. “Фарғона ёғ-мой” АЖнинг раҳбарлик лавозимлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 356-сонли қарори асосида танлов эълон қилиш ва ташкил этиш бўйича тартиби тасдиқлансин.

3.1. “Фарғона ёғ-мой” АЖнинг раҳбари лавозими учун танлов эълон матни тасдиқлансин.

4.“Фарғона ёғ-мой” АЖнинг раҳбари лавозими учун танлов эълон қилиш ва танловни ташкил этиш бўйича тартибга асосан Бошқарув раиси лавозимига танлов ўтказилсин ва эълон Корпоратив ахборот ягона порталида ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) ҳамда Жамиятнинг расмий веб сайтида ([www.fyom.uz](http://www.fyom.uz)) жойлаштирилсин.

5. Танлов бўйича хужжатларни йиғиш ва Кузатув кенгашининг кейинги йиғилишига натижаларини киритиш корпоратив котиб К.Хусанов зиммасига юклатилсин.

**Кузатув кенгashi раиси:**

 **Б.Фарманов**

**Кузатув кенгashi аъзолари:**


 **Ж.Хайдаров**

 **Ж.Эшиёзов**

 **А.Захидов**

 **У.Самиев**

 **Х.Ўткирбеков**

 **Ш.Хакимов**

 **А.Сангилова**

 **Д.Суюнов**

Раштади 9 маён  
Баённома 15.12.2021 йил куни икки нусхада тузилди.

Кузатув кенгашининг тартиби тасдиқланадиган Ажнига ташкил  
бўйича